



КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Боймирзаев Зокиржон Машраббоевич

Наманган мухандислик-технология институти,

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси

катта ўқитувчи

Аннотация: Мазкур мақолада республикамизда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини фаолиятини ривожлантириш хамда экспорт салохиятини ошириш имкониятларини баҳоланган. Шунингдек, соҳани янада ривожлантириш истиқболлари ёритиб ўтилган. Мақолада кичик бизнес корхоналари экспорт салохиятини оширишда юзага келадиган муаммолар атрофлича таҳлил қилинан ва муаммоларни ечимиға қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўз навбатида ушбу тавсияларни амалиётда тадбиқ этилиши мамлакат экспорт салохиятини янада оширилишига эришилиши мақсад қилинган. Бундан ташқари мамлакатимизда экспортни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар натижасида эришилган натижаларни таҳлил қилган холда мавжуд муаммоларга тизимли ечимлар топиш бўйича тавсиялар бериб ўтилган. Бундай тавсиялар келажакда республикамизнинг экспорт салохиятини оширибгина қолмай, балки жаҳондаги нуфузини хам оширишга замин яратади.

Аннотация: В данной статье оцениваются возможности развития деятельности предприятий малого бизнеса, действующих в нашей республике, а также повышения экспортного потенциала. Также отмечены перспективы дальнейшего развития отрасли. В статье тщательно анализируются проблемы, возникающие при повышении экспортного потенциала предприятий малого бизнеса, ирабатываются предложения и рекомендации, направленные на решение проблем.

В свою очередь, реализация данных рекомендаций на практике направлена на дальнейшее повышение экспортного потенциала страны. Кроме того, после анализа результатов, достигнутых в результате реализации мер по продвижению экспорта в нашей стране, были даны рекомендации по поиску системных решений существующих проблем. Такие рекомендации не только повысят экспортную компетенцию нашей республики в будущем, но и создадут основу для повышения ее авторитета в мире.

Abstract: This article evaluates the possibilities of developing the activities of small business enterprises operating in our republic, as well as increasing the export potential. Prospects for further development of the industry are also highlighted. In the article, the problems that arise in increasing the export capacity of small business enterprises are thoroughly analyzed, and proposals and recommendations aimed at solving the problems



are developed. In turn, the implementation of these recommendations is intended to further increase the country's export potential.

In addition, after analyzing the results achieved as a result of export promotion measures in our country, recommendations were made to find systematic solutions to existing problems. Such recommendations will not only increase the export competence of our republic in the future, but also create a basis for increasing its prestige in the world

Калит сўзлар: Харакатлар стратегияси, кичик бизнес субъектлари, инвестициялар, экспорт, корхоналар, валюта тушуми, маҳсулотлар, ташқи иқтисодий фаолият, иқтисодиёт.

Ключевые слова: Стратегия действий, субъекты малого предпринимательства, инвестиции, экспорт, предприятия, валютная выручка, продукция, внешнеэкономическая деятельность, экономика.

Key words: Action strategy, small business entities, investments, export, enterprises, foreign exchange earnings, products, foreign economic activity, economy.

Мақсади. Мазкур мақолада республикамизда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини фаолиятини ривожлантириш хамда экспорт салохиятини ошириш имкониятларини баҳоланган. Шунингдек, соҳани янада ривожлантириш истиқболлари ёритиб ўтилган. Мақолада кичик бизнес корхоналари экспорт салохиятини оширишда юзага келадиган муаммолар атрофлича тахлил қилинан ва муаммоларни ечимиға қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўз навбатида ушбу тавсияларни амалиётда тадбиқ этилиши мамлакат экспорт салохиятини янада оширилишига эришилиши мақсад қилинган.

Усуллари. Наманган вилоятининг экспортдаги улушкининг таҳлили, шуни кўрсатадики экспортга йўналтирилган товарлар ҳажмида йиллар кетма-кетлигига ижобий ўсиш ҳолати кузатилган бўлсада, экспорт амалиёти бўйича 2022 йилда 3,01 % ни ташкил этган. Вилоятнинг жами экспорт айланмаси 2022 йилда, ўтган 2021 йилга нисбатан 117,1 % га ошган, шундан мос равишда Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги давлатлари билан 126,7 % га ортиришга эришилган.

Натижалар. Наманган вилоятининг 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ялпи Ички Маҳсулотга қўшган хиссасини тахлил этадиган бўлсак, кейинги олти йилда ўртacha 4,4% ташкил этган. Шунингдек, илғор фан-техника ютуқларини, янги-янги инвестицион лойихаларни саноат ва қишлоқ хўжалигига хамда бошқа тармоқларга тадбиқ этиш орқали вилоят иқтисодиётини юксалтириш, ялпи худудий маҳсулот хажмини ошириш мухим ва зарурдир.

Хуноса. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасини таҳлили шуни кўрсатадики, кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденциялари кузатилган, 2017-2022 йилларда оралиғида жами кўрсаткич 231394,2 миллион АҚШ



долларини ташкил этган бўлса, унинг асосини экспорт 97147,1 миллион доллар, импорт 134247,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Кириш. Бугунги кунда хукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича соҳада тубдан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири бу экспрт салохиятини оширишdir. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим йўналишлардан бири сифатида экспорт фаолиятини либераллаштириш ва енгиллаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификациялаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда мобиллигини таъминлаш этиб белгиланган. Ушбу кўзланган мақсад республикамида фаолият юритаётган компаниялар олдида ташқи бозорга чиқиш ва рақобатбардошликни таъминлаган холда ўз ўрнига эга бўлиш каби жуда муҳим вазифани юклайди. Кичик бизнес корхоналарини жаҳон бозорига чиқиши ва экспорт салохиятини оширилиши учун соҳада ислохотларни амалга оширилаётганлиги мамлакатимизда келажакда рақобатдардош корхоналар салмоғини ошишига хизмат қиласди.

Усуllар. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабр Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида, 2022 йил ва ундан кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалардан бири сифатида – юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакат экспорт салохиятини ошириш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларга хорижий давлатлардан харидорлар излаб топиш ва жаҳон бозорига чиқиш ҳамда транзит салоҳияти имкониятларидан етарлича фойдаланиш белгиланган[1]. Таъкидлаш жоизки, юртбошимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мамлакатимиз минтақаларининг имкониятлари ва салоҳиятларига бевосита таянилади. Наманган вилоятининг экспортдаги улушкининг таҳлили, шуни кўрсатадики экспортга йўналтирилган товарлар ҳажмида йиллар кетма-кетлигига ижобий ўсиш ҳолати қузатилган бўлсада, экспорт амалиёти бўйича 2022 йилда 3,01 % ни ташкил этган (1-жадвал).

1- жадвал

Фарғона водийси вилоятларининг (2017-2022 йиллардаги) мамлакат экспортидаги улуши¹⁰
(млн.АҚШ доллари)

| Номи | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й | 2022 й |
|-------------------|---------|---------|--------|---------|---------|---------|
| Республика бўйича | 13893,6 | 14253,9 | 17900 | 15127,7 | 16610,6 | 19309,1 |

¹⁰ Фарғона водийси вилоятларининг (2017-2022 йиллардаги) мамлакат экспортидаги улуши



| | | | | | | |
|------------------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|
| Наманган вилояти | 196,7 | 247,4 | 357,3 | 380,5 | 496,2 | 581,2 |
| % -да | 1,4 | 1,7 | 2,0 | 2,5 | 3,0 | 3,01 |
| Фарғона вилояти | 515,8 | 510,9 | 547,1 | 555,3 | 800,7 | 827,2 |
| % да | 3,7 | 3,6 | 3,1 | 3,7 | 4,8 | 4,28 |
| Андижон вилояти | 397,7 | 421 | 546,4 | 584,9 | 979,5 | 1246,2 |
| % да | 2,9 | 3,0 | 3,1 | 3,9 | 5,9 | 6,45 |

Наманган вилоятининг Фарғона водийси минтақасидаги вилоятлар экспорт кўрсаткичлари билан таққослагандан, Андижон вилоятига нисбатан 2022 йилда 665,0 миллион долларлик ёки 3,44 % га, Фарғона вилоятига нисбатан 2022 йилда 246,0 миллион долларлик ёки 1,27% га кам маҳсулот экспорт қилинганини кўриш мумкин.

Таҳлил маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, вилоятнинг жами экспорт айланмаси 2022 йилда, ўтган 2021 йилга нисбатан 117,1 % га ошган, шундан мос равишда МДҲ давлатлари билан 126,7 % ни ташкил этган бўлса, бошқа хорижий давлатлар билан 95,8 % га натижага эришилган. Бу албатта жорий йилда вилоятда экспортёр корхоналар сонини ортиши хамда экспортга йўналтирилган маҳсулот хажмларини кўпайиши хисобига амалга оширилган.

Натижалар. Наманган вилоятининг 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМга қўшган хиссасини таҳлил этадиган бўлсак, кейинги олти йилда ўртача 4,4% ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Наманган вилоятининг 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМга қўшган хиссасини тўғрисида маълумот

млрд сўм

| Кўрсаткич | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й | 2022 й |
|--|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Мамлакат ЯИМ | 302 536,8 | 407 514,5 | 511 838,1 | 580 203,2 | 734 587,7 | 888 341,7 |
| Наманган вилояти ЯХМ | 10 552,5 | 18 141,4 | 23 239,0 | 28 077,4 | 34 479,8 | 41 098,2 |
| Вилоят ЯХМдаги улуши (% да) | 3,5 % | 4,5 % | 4,5 % | 4,8 % | 4,7 % | 4,6 % |
| Шу жумладан: Наманган вилоятида КБСНИ ЯХМ | 7 492,3 | 12 880,4 | 17 667,7 | 19 072,6 | 24 609,2 | 29 919,5 |
| КБСНИ вилоят ЯХМдаги улуши (% да) | 71,0 % | 71,0 % | 76,0 % | 67,9 % | 73,8 % | 72,8 % |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга бўлган вилоятда фойдаланилмаган имконият ва заҳиралардан самарали фойдаланиш етарлича амалга оширишмаяпти. Шунингдек, илғор фантехника ютуқларини, янги-янги инвестицион лойихаларни саноат ва қишлоқ хўжалигига хамда бошқа тармоқларга тадбиқ этиш орқали вилоят



иқтисодиётини юксалтириш, ялпи худудий маҳсулот хажмини ошириш мухим ва зарурдир.

Мунозара. Вилоят ялпи худудий маҳсулотининг қарийиб 72,8 %, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келмоқда. Демак, ушбу соҳани тармоқ тузилишини ўрганиш, унинг иқтисодиётдаги ўрнини тизимли таҳлил этиш зарур. Олинган натижалар минтақа иқтисодиёти кўламини, такрор ишлаб чиқаришни кенгайишига ва энг асосийси барқарор ривожланишга олиб

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2022 йилларидағи ташқи савдо айланмаси тўғрисида маълумот

| Кўрсаткичлар | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й | 2022 й | Жами |
|--------------------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------|-----------|
| ТСА | 26 907,0 | 33 809,1 | 42 200,0 | 36 299,2 | 42 170,5 | 50 008,4 | 231 394,2 |
| Экспорт | 13 893,6 | 14 253,9 | 17 900 | 15 127,7 | 16 662,8 | 19 309,1 | 97 147,1 |
| Импорт | 13 013,4 | 19 555,2 | 24 300 | 21 171,5 | 25 507,7 | 30 699,3 | 134 247,1 |
| Фарқи(+,-) | 880,2 | -5 301,3 | -6 400,0 | -6 043,8 | -8 844,9 | -11 390,2 | -37 100 |

келади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасини таҳлили шуни кўрсатадики, кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденциялари кузатилган, 2017-2022 йилларда оралиғида жами кўрсаткич 231 394,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг асосини экспорт 97 147,1 миллион доллар, импорт 134 247,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган (3-жадвал).

Хуноса. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган, бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги, хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармонига асосан қабул қилинган, Юқоридагиларга асосан биз фармонда белгилаб қўйилган вазифаларни бажарсак, мамлакат иқтисодиётини биз ўйлагандек ривожлантиришга эришамиз. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси”да, белгиланган вазифаларимиз кўйидагилардан иборат:

1. Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилга бориб республикада экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштиришган. Бунинг учун экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-куватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш мақсад қилинган.



2. Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга соган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш.
3. Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш.
4. Хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.
5. Автотранспорт воситалари экспортини 3 бараварга ошириш ва 1 миллиард АҚШ долларига етказиш.
6. Туризм, транспорт, ахборот-коммникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш.
7. Экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш. Экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш.
8. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6 500 тадан 15 000 тага, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиш.
9. “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” ғояси асосида 200 та экспортчи корхоналарни очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.
10. Қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларда эркин савдо зоналари фаолиятини йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар қўйилган.

Намангандикошиш вилоятининг 2012-2021 йиллардаги ташқи иқтисодий фаолиятида эришилган натижаларни таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятнинг ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларида барқарор ўсиш тенденциялар кузатилган

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТГАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020 Ш.М.Мирзиёевни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020 йилда “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022- йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент. 2021 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёsat самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Тошкент. 2019 йил.
4. М.Рахматов. “Кластерлар тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга бағишлиланган хисобот.”Халқ сўзи” газетаси 2021 йил ноябр сони.



5. О.Собиров “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бухгалтерия хисоби ва хисботларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш” ТМИ. Тошкент.2019 йил.

6. Собиров О.О. Бошқарув ҳисобининг моҳияти ва уни ташкил этишда харажатларнинг ўрни. Халкаро молия ва ҳисоб журнали. ТМИ. Тошкент. 2022 йил август. Issue 4. ISSN:2181-1016.

7. Собиров О.О. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув хисобини такомиллаштириш йўналишлари. / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент, 2022 йил.

8. З.Боймирзаев. “Ўзбекистон иқтисодиётида Наманган вилоятининг экспорт салоҳиятини тутган ўрни”номли мақола.НамМҚИ. Наманган.2022 йил.

9. Собиров О.О. Бошқарув хисобини самарали ташкил қилиш ва юритишда харажатлар классификациясини аҳамияти. “Глобаллашув шароитида банк ва молия тизимини барқарорлигини таъминлаш масалалари”мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами.Тошкент, ТМИ. 10 июн 2022 йил. 686-688-б.

10. Боймирзаев З.М. Ўзбекистон иқтисодиётида Наманган вилоятининг экспорт салоҳиятининг тутган ўрни. “Молия бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замонавий тенденциялари ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТДИУ. Тошкент. 2022 йил.

11. Боймирзаев З.М. “Ўзбекистон Республикасини экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кичик бизнес корхоналарининг ўрни”, Science and education scientific journal. 2022 йил 12 декабр. 1030-1034 б.

12. www.lex.uz

13. www.stat.uz